



КУН РАҚАМИ

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра, республика бўйича донли экинлар йиғим-терими якунланди. Ўртача ҳосилдорлик гектарига 17 центнерни ташкил этди. Жами 16 миллион гектар майдондан 27,1 миллион тонна ғалла йиғиб олинди.



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 11 ноябрь, сешанба, №121 (3622).

Президент

Kazinform. AQSh Prezidenti Donald Tramp Markaziy Osiё davlatlari rahbarlari ishtirokida Washingtonda ўtgan C5+1 sammiti yakunlarini izohlar ekan, tomonlar ўrtasidagi hamkorlikning yangi bosqichi muvaffaqiyatli boʻshlanganini taʼkidlaydi.

— Kecha Oq uйда besh dўst davlat — Qozog'iston, Ўzbekiston, Tojikiston, Qirg'iziston va Turkmaniston Prezidentlarini qabul qiliش men uchun ulkan sharaf bўldi, — deya qayd etdi Tramp ўzining «Truth Social» ijtimoiy tarmoqidagi baynotida. Donald Trampning taʼkidlashicha, sўnggi ўttiz yildan AQSh rahbarlari Markaziy Osiёning strategik ahamiyatiga eʼtibor qaratmagan.

МУШТАРАК МАҚСАД ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК:

ТРАМП АҚШ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ САҲИФА ОЧИЛГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ



Бу мамлакатлар геосиёсий жиҳатдан муҳим минтақада жойлашган бўлиб, бой минерал захиралар, углеводородлар ва инсон салоҳияти билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга экани таъкидланди.

«C5+1 платформасининг 10 йиллигини нишонлаш муносабати билан авиация, ноёб минераллар, қишлоқ хўжалиги, темир йўл, автомобилсозлик ва технология соҳаларида миллиардлаб долларлик тижорат шартномалари имзоланди. Бу келишувлар АҚШда ўн минглаб янги иш ўринларини яратди. Саммит Қўшма Штатлар ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларда янги даврнинг бошланишини белгилаб берди», деб ёзди Дональд Трамп.



ЭЛНИ АЗИЗ ҚИЛАР, ЭЛДА АЗИЗЛАР

ПРЕЗИДЕНТ ЕЛЕНА РИБАКИНАНИ III ДАРАЖАЛИ «БАРЫС» ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАДИ

Kazinform. Qozog'iston Respublikasi Prezidenti Qasim-Jumart Toqayev tennischi Elena Rybakina bilan sammiy tabrik suxbati ўtkazib, uni Ar-Riyd shaxrida ўtgan WTAning yakuniy musobaqasidagi ёrқin ғalabasi bilan muborakbod etdi.

Давлат раҳбари ўз табригидан шундай дейди:

«Сиз теннис йилига якун ясаган нуфузли мусобақада юксак маҳорат ва ғалабага интилишингизни намоян эдингиз. Сизга чин қалбимдан миннатдорчилик изҳор этаман ва ушбу

юксак ғалаба билан самимий табриклайман. Бу зафар Қозог'истон ҳамда жаҳон теннис тарихида ўчмас из қолдиради.

Мазкур спорт ютуғи муносабати билан, шунингдек, мамлакатимизда тенниснинг ривожига ва уни оммалаштиришга қўш-

ган бекиёс ҳиссангизни эътироф этиб, Сизни III даражали «Барыс» ордени билан мукофотлаш ҳақидаги Фармонни имзоладим.

Сизга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ва Қозог'истон Республикаси равнақи йўлида янги спорт ютуқларини тилайман», дейилади табрикномада.

Маълумот учун, Елена Рибакина WTA мавсумининг якуний турнирида зафар қозониб, Қозог'истон тарихида илк бор ушбу нуфузли мусобақада чемпионлиқни қўлга киритди.

ПОЙТАХТДА ЯНГИ ШТАБ-КВАРТИРА ОЧИЛДИ



Kazinform. Astanada Euroosiё barqarorlashtirish va taraqqiёт jamgarmasining shab-kvartirasi ochildi va marosimda Qozog'iston Respublikasi Boш vazirining ўrinbosari — Milliy iqtisodiyёт vaziri Serik Jumanqarin va Rossiya Federatsiyasi Hukumati raisi ўrinbosari Aleksey Overchuk ishtirok etdi. Bu haqda Moliya vazirligi xabar berdi.

Янги иншоотнинг рамзий тасмасини ҚР Молия вазири Мадия Тақиев ва Евроосиё барқарорлаштириш ва тараққиёт жамғармасининг бошқарувчи директори Андрей Широков қирқиб, янги штаб-квартира расман фаолиятини бошлади.

Штаб-квартира Евроосиё минтақасида молиявий бар-

қарорлаштириш ва тараққиётнинг асосий майдончаси сифатида жамғарма салоҳиятини мустақамлайди ва унинг таҳлилий марказига айланади.

Тадбир доирасида Евроосиё барқарорлаштириш ва тараққиёт жамғармасининг фаолияти, унинг устувор йўналишлари ва келгуси давр

учун режалари тақдим этилди. Маросимда жамғармага аъзо мамлакатлар, шунингдек, Қозог'истон Республикаси давлат идоралари вакиллари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, Евроосиё барқарорлаштириш ва тараққиёт жамғармаси 2009 йилда аъзо давлатларнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган минтақавий молиявий дастак сифатида ташкил этилган. Қозог'истондан ташқари, унинг таркибига Арманистон, Беларусь, Қирғизистон, Тожикистон ва Россия қиради.

КазТАГ. Қозог'истон Республикаси Парламенти Мажлисида «Қазпошта» ҳиссадорлик жамиятининг фаолияти юзасидан қатор танқидий фикрлар билдирилди. Бу ҳақда КазТАГ агентлиги хабар берди.

Депутат, Қозог'истон Журналистлар уюшмаси аъзоси Ермурат Бапининг маълум қилишича, сўнгги кунларда мамлакатнинг турли ҳудудларидан оммавий ахборот воситалари ходимларидан шошилинч мурожаатлар келиб тушган. Унинг таъкидлашича, бу мурожаатларда, айниқса, матбуот тарқатиш хизматларига боғлиқ муаммолар кўтарилган.

— Сўнгги вақтларда «Қазпошта» томонидан босма нашрларни етказиб бериш хизматлари учун тўлов нархлари бир неча барабар оширилган. Бу ҳолат республика даражасидаги мустақил ОАВлар, вилоят ва туман газеталари учун ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда. Масалан, жорий йил июль ойида почта орқали тарқатиш хизмати учун тарифлар 1000 фоизгача кўтарилган. Бу тахририятлар фаолиятига оғир таъсир кўрсатди ва айниқса, ҳудудий нашрларнинг молиявий аҳволини қийинлаштирди, — деди депутат.

Парламентарийнинг маълум қилишича, яқинда тахририятларга обунани расмийлаштириш хизмати учун комиссия миқдори аввалги 17 фоиздан 41,76 фоизгача оширилгани ҳақида расмий хабарнома йўлланган. Бу қарор ҳам журналистик жамоатчилик учун қутилмаган ва оғриқли бўлди.

“ҚАЗПОШТА” ФАОЛИЯТИ МУҲОКАМА МАРКАЗИДА:

ТАНҚИДИЙ МУЛОҲАЗАЛАР БИЛДИРИЛДИ



— Нима сабабдан ОАВ билан тузилган шартномалар фанат «Қазпошта»нинг манфаатларини ҳимоя қилади? Нима учун тарифларни ошириш бўйича қарорлар ОАВ вакиллари билан олдиндан келишилмайди? Кўплаб ҳудудларда газеталар ўз вақтида ўқувчиларга етказилмаётгани ҳақида шикоятлар мавжуд. Маданият ва ахборот вазирлиги нега «Қазпошта» зиммасига масъулиятни ошириш бўйича талаблар қўймапти? Шунингдек, тахририятлар обунадан тушган маблағларни дарҳол қабул қилиш имконига эга эмас — пуллар ҳар чоракдагина ўтказилади. Бу маблағлар

«Қазпошта» ҳисоб-рақамларида турган пайтда кимнинг манфаати учун ишлатилапти? — дея савол берди Ермурат Бапи.

Депутатнинг таъкидлашича, бу масала фақатгина тахририятга эмас, балки мамлакатдаги барча республика ва ҳудудий босма нашрларга ҳам дахлдор.

Маълумот учун, мазкур масала аввалроқ Қозог'истон Журналистлар уюшмаси анжуманида ҳам муҳокама қилинган бўлиб, унда депутатлар орқали бу масалани давлат идоралари даражасида кўтариш зарурлиги таъкидланган эди.

Обуна - 2026

МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ МУАЗЗАМ МАЙДОНИ

Мамлакатимиздаги барча матбуот нашрлари қатори «Жанубий Қозог'истон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетасига ҳам 2026 йилга обуна авжида.

Газетага обуна бўлиб, давлатимиз миқёсида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг жойлардаги ижроси мазмун-моҳиятидан хабардор бўласиз

Шунга эришиш керакки, рўзномамиз вилоятдаги ҳар бир меҳнат жамоаси, таълим ва ҳунар маскани, газетасевар юртдошларимиз хонадонларига етиб бориши.

Ҳиммат кўрсатаман, деган ҳам-юртларимиз нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган oilаларни газетага обуна қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.

Ягона мақсадимиз — давлат



газетасининг ададини ошириб, келажак авлодга ёруғ юз билан етказиш. Бунинг учун миллий ғурури юксак инсонлар сафини кенгайтириш лозим. Ана шу эзгу мақсад йўлида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб, аҳилликда бирлашсак, нур устига нур бўларди. Токи тарих, маданият, маърифатни улуғлаган халқимизнинг зиёга чанқоқлиги барчага ибрат бўлсин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

6 ойга обуна баҳоси: «Қазпошта» ХЖ орқали — 5232 тенге

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ: ТАРИХДАН – ЗАМОНАВИЙ ҲАМКОРЛИККА



**Буюк Ипак йўли инсо-
ният тарихида халқлар-
ни боғлаб келган кўприк
бўлган. Карвонлар ўр-
нини ҳозир поездлар,
юк машиналари ва ҳа-
во қатновлари эгалла-
ган. Аммо мақсад ҳамон
ўша-ўша – халқлар ўр-
тасида дўстлик ва ҳамкор-
ликни мустаҳкамлаш.**

Қозоғистон бу жараёнда
фаол иштирок этмоқда.
ЮНЕСКОнинг 2014 йилда
тасдиқланган “Silk Roads:
the Routes Network of
Chang'an-Tianshan Corridor”
номли лойиҳаси тарихий
йўлларни сақлаш ва тадқиқ
қилишга хизмат қилмоқда.
Хитойнинг “Belt and Road
Initiative” дастури эса темир
йўллар, портлар, тиббиёт,
рақамли технология ва
инфратузилма соҳаларида
ҳамкорликни кенгайтир-
моқда.

Парижда ўтказилган
ЮНЕСКО Бош конферен-
циясининг XXIV сессияси-
да 10 мамлакат ташаббуси
билан “Буюк Ипак йўли”-
ни ўрганишга қаратилган
қарор қабул қилинган, бу
лойиҳа Ўрта Осиё халқла-
ри бой маданий тарихини
кенг қамровда тадқиқ эт-
ган. Айрим Шарқ мамлакат-

ларида (Ҳиндистон, Хитой,
Ўзбекистон, Шри Ланка,
Япония) «Буюк Ипак йўли»-
ни ўрганиш бўйича махсус
илмий институтлар ташкил
этилган.

Сўнгги йилларда Евро-
па ва АҚШ ҳам Буюк Ипак
йўли лойиҳасига қизиқиш
билдирмоқда. АҚШ Сенати
“Буюк Ипак йўли – XXI аср”
қонун лойиҳасини муҳока-
ма қилмоқда.

Президент Қасим-Жў-
март Тўқаев ташаббуси
билан республикамизнинг
иқтисодий ва сайёҳлик са-
лоҳиятини юксалтириш,

халқимизнинг фаровонлиги
учун замонавий йўллар
барпо этилмоқда. Буюк
Ипак йўлининг мероси ва
замонавий аҳамияти –
миллатлар фаровонлиги,
маданий ва илмий бой-
ликларни сақлаш ҳамда
дунё саҳнасидаги муносиб
ўрнини мустаҳкамлашдан
иборат.

Яқинда Туркистон вило-
яти ҳокими Нуралхан
Кўшеров раҳбарлигида-
ги делегация Ўзбекистон-
нинг Самарқанд вилоятида
хизмат сафарига бўлиб,
туризм ва маданий-гума-
нитар соҳаларда ҳамкор-
ликни мустаҳкамлаш юза-
сидан музокаралар олиб
борди. Сафар доирасида
Самарқанд вилояти ҳокими

Адиз Бобоев билан учра-
шув ўтказилиб, туризмни
ривожлантиришни назарда
тутган Меморандум имзо-
ланди. Меморандум дои-
расида икки вилоят туризм,
маданият, таълим ва сар-
моявий соҳаларда қўшма
лойиҳаларни амалга оши-
ришга келишиб олди.

– Туркистон ва Самар-
қанд вилоятлари орасида
маданий ва руҳий боғлиқ-
лик мавжуд. Бизнинг мин-
тақалар Буюк Ипак йўлида
муҳим аҳамият касб этади.
Савдогарлар, олимлар ва
хунармандлар бу ерларда

маърифат, илм ва санъат
ғояларини тарқатган. Биз
чегаралараро сайёҳлик
йўналишларини ривожлан-
тириш, фестиваллар ва
маданий кунлар ташкил
қилиш, халқаро маркетинг
ташаббусларини амалга
оширишдан манфаатдор-
миз, – деди Нуралхан Кў-
шеров.

Сафар давомида деле-
гация Туризм академия-
сида маҳаллий туропера-
торлар билан учрашиб,
тажриба алмашди ва сай-
ёҳлик оқимини ошириш
масалаларини муҳокама
қилди. Шунингдек, “Silk
Road Samarkand” сайёҳлик
мажмуаси раҳбарияти би-
лан ҳам учрашув ўтди.

2025 йилнинг 9 ойи на-
тижасига кўра, Туркистон
вилоятига 830 минг сайёҳ
келди, бу ўтган йилга нис-
батан 13 фоиз кўп. Шунинг-
дек, Ўзбекистондан келув-
чи сайёҳлар сони сезилар-
ли равишда ошди.

Бу ҳамкорлик Туркистон
ва Самарқанднинг мада-
ний-тарихий ва сайёҳлик
салоҳиятини юксалтириш,
минтақавий сайёҳликни
ривожлантиришда муҳим
асос яратади.

“Жанубий Қозоғистон”
мухбири.



“ҚИШЛОҚ ҚУТҚАРУВЧИЛАРИ” ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

**Kazinform. Туркистон вилояти,
Сайрам туманига қарашли Қора-
мурт қишлоғида “Қишлоқ қутқа-
рувчилари” дастури доирасида
янги ихтиёрий ёнғин хавфсизлик
шоҳобчаси ишга туширилди. Тан-
танали маросимда Қозоғистон
Республикаси Фавқулодда ва-
зиятлар вазири, генерал-лейте-
нант Шинғис Ахринов ҳамда Тур-
кистон вилояти ҳокими Нуралхан
Кўшеров иштирок этди.**

Лойиҳани амалга оширишда маҳал-
лий тадбиркорлар ҳам фаол иштирок
этиб, шоҳобча биноси қурилиши ва зар-
рур жиҳозлар билан таъминланишига
катта ҳисса қўшдилар.

– Тадбиркорлар томонидан бундай
ташаббусларнинг қўллаб-қувватла-
наётгани қувонарли ҳол, – деди вазир
Ш. Ахринов. – Бу қишлоқ аҳолисининг
хавфсизлигини таъминлаб, маҳалла-

ларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳ-
камлашга ҳам хизмат қилади.

Янги шоҳобча фаолияти учун зарур
барча зарур ускуналар, шароитлар
билан таъминланган: ўт ўчириш техни-
каси учун гараж, навбатчи хоналари,
алоқа воситалари билан жиҳозланган
диспетчерлик бўлими, ошхона, дам
олиш жойи ва “Batyr Team” спорт за-
ли мавжуд. Ихтиёрий қутқарувчилар
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги то-
монидан махсус кийим, радиостанция
ва ўт ўчириш автоцистернаси билан
таъминланди.

“Қишлоқ қутқарувчилари” шоҳоб-
чалари Қорамурт, Низомобод ва Оқ-
қалъа қишлоқлари аҳолисига хизмат
кўрсатади. Бу ҳудудларда 19 мингдан
зиёд аҳоли истиқомат қилади. Янги
тизим фуқароларнинг хавфсизлигини
таъминлаш, фавқулодда ҳолатларга
тезкор жавоб бериш имконини ошира-
ди.



“СОҒЛОМ ҚОЗОҒИСТОН” ТИББИЙ ПОЕЗДИ – ЎТРОП ТУМАНИДА

**Тумanning Темир бекатига “Соғлом Қозоғистон” тиббий поезди етиб кел-
ди ва 832 нафар фуқарони кўриқдан ўтказди.**

Аҳолига терапевт, жарроҳ, болалар шифокори, невропатолог, кардиолог,
гинеколог, стоматолог, офтальмолог, ЛОР, руҳшунос ва бошқа мутахассислар
хизмат кўрсатмоқда. Барча кўрик жараёнлари мажбурий ижтимоий-тиббий су-
ғурта ҳамда давлат кафолати доирасида бепул амалга оширилмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ОТ СПОРТИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

**Сўнгги йилларда Туркистон
вилоятида миллий спорт тур-
ларига, жумладан, от спортига
этибор сезиларли даражада
ортимоқда. Бу спорт инфрату-
зилмасининг кенгайиши, ёшлар
ўртасида миллий анъаналарга
қизиқишнинг ортишида ҳам яқ-
қол намоён бўлмоқда.**

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев
Миллий Қурултойнинг тўртинчи йиғи-
лишида ҳам от спортини оммалашти-
риш таклифини илгари сурганди.

Миллий қадриятлар ва спортни
ривожлантиришга қаратилган лойиҳа-
лар орасида “Буюк Дашт пойгаси” ало-
ҳида ўрин тутади. Бу марафон анъ-
анавий от спортини тиклаш, ёшлар
онгида ватанпарварлик ва жасорат
руҳини мустаҳкамлашга хизмат қила-
ди. Тадбир миллий спорт турларини
оммалаштириш билан бир қаторда
халқ бирлигини ва маданий меросни
авлоддан-авлодга етказиш мақсади-
ни ҳам кўзлайди.

Яқинда мамлакатнинг олти минта-
қаси – Астана шаҳри, Ақмўла, Қара-
ғанди, Улитов, Қизилўрда, Туркистон
вилоятлари чавандозлари иштиро-
кида “Буюк Дашт пойгаси” номли би-
ринчи умуммиллий пойга ўтди. Унда
иштирок этган чавандозлар Қозоғис-
тоннинг муқаддас қадамжоларини
зиёрат қилиб, Туркистон шаҳрига етиб
келишди. Пойгачилар 11 кун давоми-
да 1200 қақирим йўл босиб ўтишди.

Қадимдан от минган эл ворислари
бўлган туркистонлик ёшлар бугун
отчопарларда фаол машғулот олиб
бормоқда. Вилоятда кўпқари, тенге
олиш каби миллий беллашувлар дои-
мий равишда ташкил этилаётгани бу
спорт турининг барқарор тараққиётига
туртки бермоқда.

Тўлебий туманида от спорти фе-
дерацияси раҳбари Зиябек Жеткеров
раҳбарлигида чавандозлар вилоят ва
республика мусобақаларида ғолиб
бўлиши, терма жамоа сафига қабул
қилинишида унинг ҳиссаси бекиёс.
Нуфузли мусобақаларга у чавандоз-
ларни ўз ҳисобидан олиб боради.
Тумандаги кўпқари отларини етишти-
радиган кичик фермалар ҳам унинг
назоратида.

Кўпқари – ҳунар, чаптастлик, қола-
верса, чавандоз ва айғирнинг бирга-
ликдаги санъати. Бу санъат бўлмаса,
ўта бақувват йигитлар ҳам от чопол-
майди. Суворий – отлик, чавандозла-
римиз билан доим фахрланганмиз,
исмларини дoston қилганмиз. Собир-
жон Бакиртоев, Жанбатир Бекмусаев,
Омон Қоратоев каби чавандозларнинг
номи Бўз, Саман, Оқ тулпор, Жайрон,
Оқ бурун, Чўлоқ, Қашқа, Жийрон ла-
қабли отларнинг маҳорати билан уй-
ғунлашиб кетган.

Кўпқари – қадимий ва ҳозирда ҳам
севиб томоша қилинадиган ҳалол ва
мардлар ўйини. Бу ўйинда иштирок
этиш ҳамманинг қўлидан келавермай-
ди. Бунинг учун чавандоз жисмонан
бақувват, соғлом, абжир, оёқ-қўли ра-
со бўлиши керак.

– Баъзан спортчиларимиз йирик
мусобақалардан ўрин ололмай қай-
тишади. Бунинг сабаби нимада? – сў-
раймиз Зиябек Жеткерулидан.

– Баъзи тадбиркорлар чет элларга,
Туркменистон, Арабистонга бориб,
зотдор отларни олиб келишяпти.
Уларга бизнинг отлар етиши қаёқда,
дейсиз. Ана шу зотдор отлар ўзи-
мизда кўпайтирилса, чавандозлар
юртига айланардик. Ўзинг етиштирган
отда улоқ чоп, агар мард бўлсанг. Агар
ҳамма улоқдан олдин қўшни элга югу-
раверса, юртимизда йилқичилик ва



от спорти ҳеч қачон ривожланмайди.
Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси,
спорт ва туризм бошқармаси бу ма-
салани махсус йиғинда кўриб чиқса,
мақсадга мувофиқ бўларди.

Тўлебий тумани йирик сайёҳлик
марказига айланиш арафасида. Шун-
дай экан, отга эҳтиёж янада ортиб
боради. Ҳозирнинг ўзида хорижлик
сайёҳлар тоғларга чиқиш учун маҳал-
лий аҳолидан отлар олиб, соатбай ҳақ
тўлашмоқда. Баъзан эса, пулга ҳам от
топиламай қоляпти. Демак, от – қони
фойда экан. Шунингдек, от – йигит-
нинг йўлдоши, одамни «тушунади-
ган», содиқ жонивор. У кишига дўст,
уни офату балолардан сақлайди.
Шунинг учун ҳам тулпорлар ҳақида
кўплаб ривоятлар хикоялар мавжуд.
Қолаверса, танглайимиз Бойчибор
ҳақидаги эртақларни тинглаш жараё-
нида кўтарилган. Ҳали бешимдали-
гимиздаёқ оналаримиз, бувиларимиз

учқур тулпорлар ҳақидаги эртақларни
қўлогимизга сингдиришган.

Қарияларимизнинг айтишича, йил-
қи боқиладиган хонадонда қут-барақа
бўлармиз, от ярим тунгача ўзига,
ярим кечадан кейин эса эгасининг хо-
надонига ризқ-насиба тиларкан. Уни
минган одам касал бўлмайди.

Йўқолиб бораётган Бойчиборлари-
миз қайтмас экан, халқимизнинг ноёб
хазинаси хавф остида, деб биламан.
Шунингдек, шоирнинг “Қайдан бил-
син от қадрин, от минмаган эркаклар”,
деган сатрлари бугун ҳам долзарб.

Вилоят раҳбарияти томонидан от
спортини қўллаб-қувватлаш юзасидан
қатор чора-тадбирлар белгиланган.
Ёш чавандозлар учун грантлар аж-
ратиш, спорт мактабларида махсус
йўналишлар очиш ҳамда туркий дав-
латлар билан ҳамкорликда халқаро
мусобақалар ташкил этиш режалаш-
тирилган.



Қозоғистон Президенти Қасим-Жў-
март Тўқаев мамлакатдаги маҳаллий
спортчи отлар зотларини асраш ва кў-
пайтиришга қаратилган муҳим қонунни
имзолади.

Ҳужжат “Қозоғистон Республика-
сининг айрим қонун ҳужжатларига
маҳаллий от зотларини сақлаш ва
такрор кўпайтириш масалалари бўйи-
ча ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида” деб номланади.

Қонундан кўзланган асосий мақ-
сад – миллий отчилик анъаналарини
сақлаб қолиш, спорт йўналишидаги
маҳаллий зотларни ривожлантириш
ҳамда уларнинг генотипини муҳофа-
за қилишдир. Шу орқали мамлакатда
от спортининг юқори даражада ри-
вожланиши учун ҳуқуқий ва иқтисодий
замин яратилади.

Парламентда таъкидланишича,
янг қонун орқали зотдор отларни селе-
кция йўли билан кўпайтириш, наслдор
отлар марказлари фаолиятини қўл-
лаб-қувватлаш, ҳамда отларни сақ-
лаш харажатларини қисман қоплаш
тизими йўлга қўйилади.

“Бу чора-тадбирлар миллий спорт
турларини оммалаштиришга хизмат
қилади”, дейилади расмий изоҳда.

Шунингдек, қонун билан “зотдор от-
лар” ва “зот андазаси” каби тушунча-
ларга аниқ таъриф берилди. Энди ма-
ҳаллий зотдор отлар расмий рўйхатга
олинади, уларнинг тана тузилиши,
чопқирлик қобилияти ва бошқа ўзига
хос хусусиятлари миллий андазалар
асосида баҳоланади.

Мутахассисларнинг фикрича, бу
ташаббус маҳаллий от зотларини сақ-
лашга ва Қозоғистоннинг халқаро от
спорти майдонида нуфузини ошириш-
га ҳам замин яратади.

А. АБДУФАТТОХ.

Бугунги кунда Турк хоқонлиги, Олтин Ўрда, Усмониёлар империяси каби кучли давлатлар қурган туркийлар барча соҳаларда илғор бўлган давлатларнинг эътиборини ўзига қаратмоқда. Шарқшуносликнинг бир тармоғи – туркшунослик фанининг пайдо бўлиши бежиз эмас. Ҳозир оламнинг чексиз кенгликларида турли шеваларда сўзлашадиган, турли динларга мансуб, бироқ аслида туркийлар деб аталувчи улуг халқдан таралган миллатлар бор. Инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган туркийлар маданиятини қайта тиклашни мақсад тутган тадқиқотчиларга кўмак кўрсатиш мақсадида 1999 йили Алмати шаҳрида туркий халқларнинг маданий жамғармаси ташкил қилинган эди. Унинг амалга оширган ишлари, галдаги режалари ҳақида жамғарма раиси Аҳмед Дағдуран билан суҳбатлашдик.



– Аҳмед-бей, суҳбатимизни Туркий халқлар маданий жамғармаси ташкил этилишидан асосий мақсад нима эди, деган саволдан бошласак!

– Туркий халқлар маданий жамғармаси 1999 йилда Алмати шаҳрида ташкил этилган. Асосий мақсадимиз – туркий миллатларнинг тарихий илдизларини ўрганиш, уларнинг маданий меросини сақлаш ва янги авлодга етказиш. Бугунги кунда жамғарма нафақат Қозоғистонда, балки Туркия, Ўзбекистон, Қирғизистон, Озарбайжон ва бошқа қатор давлатлардаги илмий муассасалар билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

– Туркий халқлар тарихи жуда бой. Бугунги дунёвийлашув шароитида уни ўрганиш қандай аҳамият касб этади?

– Бу савол жуда долзарб. Шарқшуносликнинг муҳим тармоқларидан бири туркшунослик фани ҳам ана шу эҳтиёждан келиб чиққан. Туркий тилларни, ёзма ёдгорликларни, миллий урф-одатларни ўрганиш орқали биз ўз илдизларимизни чуқурроқ англаймиз ва келажакни аниқроқ белгилаймиз.

– Жамғарма сўнги йилларда қандай муҳим ташаббусларни амалга оширди?

– Биз “Туркий олам илмий анжумани”, “Маданият ва мерос йили” каби йирик лойиҳаларни ўтказдик. Қадимий Туркистон, Хива, Бухоро, Қозон, Самарқанд каби марказларда илмий анжуманлар ташкил этдик. Бу каби тадбирларда туркий халқлар ўртасидаги маънавий ва маданий боғлиқлиқни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, биз ёш олимлар учун махсус стипендиялар жорий этдик, туркий халқлар тарихи ва тили бўйича қўлланмалар нашр этдик.

Инсоният тарихида кўчманчилар маданияти алоҳида ўрин тутади. Улар табиат қонунлари билан уйғун яшаб, жасорат ва эркинликни ҳаёт тарзига айлантирган. Қадим замонларда кўчманчи халқлар чорвачилик ва деҳқончиликдан ташқари, жисмоний тайёргарлик ва ҳарбий маҳоратни ривожлантиришда ҳам ўзига хос анъаналар яратган. Шу асосда дунёга машҳур бўлган «Кўчманчилар ўйинлари» шаклланди.

Бу анъанавий мусобақалар илк бор 2014 йилда Қирғизистонда ўтказилган бўлиб, бугунга келиб у халқаро спорт байрами даражасига етди. Унда дунёнинг ўнлаб давлатларидан минглаб спортчилар миллий турлар – от спорти, камондан отиш, белбоғли кураш, кўпқари ва бошқа ўйинларда беллашадилар. Асосий мақсад – кўчманчи халқларнинг бой маданиятини сақлаб қолиш, миллий қадриятларни ёш авлод онига сингдиришдир.

Вилоятимиз бу соҳада етакчи ҳудудлардан бири саналади. Минтақада миллий спорт турларини ривожлантириш, ёшларни ватанпарварлик ва жисмоний баркамоллик руҳида тарбиялаш юзасидан кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ҳар йили вилоят миқёсида кўпқари, арқон тортиш камондан ўқ отиш ва қўл кураши бўйича мусобақалар ташкил этилади.

Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинлари ЮНЕСКО номоддий маданий меросни асраб-авайлаш бўйича энг яхши амалиётлар рўйхатиغا киритилди. Бу оддий мақом эмас, балки туркий халқлар учун дунёвийлашув шароитида ўз

Аҳмед Дағдуран: БИЗ БУЮК ТУРОННИНГ ВОРИСЛАРИМИЗ

– Жамғарманинг келгусидаги режалари ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.

– Олдимиздаги энг муҳим вазифа – туркий халқлар орасида илмий ва маданий алоқаларни янада кенгайтириш. Шу мақсадда биз “Туркий тиллар хазинаси” номли электрон база яратмоқдамиз. Унда барча туркий тиллардаги қадимий ёзма манбалар, фольклор намунаси ва лугатлар жамланади.

Бундан ташқари, келгуси йилда “Туркий маданият кунлари” лойиҳаси доирасида сайёр кўргазмалар, театр фестиваллари ва миллий мусиқа кечалари ташкил этишни режалаштирганмиз.

Туркий халқлар маданий жамғармаси 25 йиллик фаолияти давомида юзлаб илмий экспедициялар, анжуманлар ва маданий тадбирларни амалга оширган. Унинг ташаббуслари туфайли туркий давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва маънавий яқинлик янги босқичга кўтарилмоқда.

Аслида, жамғармани ташкил этишдан мақсадимиз – қозоқ халқининг тарихи ва маданиятини, адабиётини, урф-одатини, санъатини, миллий либос намуналарини бошқа туркий халқларга яқиндан таништириш, шу йўл орқали туркий халқларни бир-бирига яқинлаштириш эди. Бу ишимизни дастлаб кўп миллатли Қозоғистон ҳудудида амалга оширдик. Сўнг Туркия, Татаристон, Руминия, Кипр ва шу каби кўплаб мамлакатларда қозоқ халқининг бой маданияти ва санъатини, урф-одатларини намуна сифатида кўрсатдик.

– Сиз қозоқ тилида эркин гапирасиз. Қозоқ тилини қандай ўргандингиз?

– Қозоқ тили ҳақиқий “оригинал” лисон. Ўрхун-Энасой ёзувлари қозоқ тилига жуда ўхшайди. Қозоқ тилини ўрганиш учун махсус дарс олган эмасман. Дўстларим билан мулоқотда ўрганиб кетдим.

– Туркий халқлар маданий жамғармаси қандай молиялаштирилади?

– Бизнинг “Туркий олам” деган ҳар ойда чиқадиган халқаро газетамиз бор. Шу

газетамизга эълонлар оламиз, йиллик обунани ташкил қилиб, газетани сотиш орқали пул топамиз. Хуллас, ўзимизни ўзимиз таъминлаймиз. Жамғармамизнинг молиявий ёрдамида турли китоблар дунёга келди. Халқаро даражадаги турли анжуманлар ва симпозиумлар ўтказиб, туркий халқларнинг бир-бири билан фикр алмашиб, маънавий бойишларига сабабчи бўлдик. Гриф Хайруллиннинг “Татар халқининг урф одатлари ва анъаналари” (“Обычаи и традиции татарского народа”) деган китобига, Аҳмед Тўқтабайнинг “Туркі халықтарының мәдениеті”, Туркий халқлар маданий жамғармасынинг тўплами “Туркий халқларнинг бугунги кундаги муҳим масалалари”, “Кўрқит ота” китоблари нашрдан чиқди. Яна бошқа ёзувчиларнинг туркийлар тарихига оид ижодий ишлари бўлса, нашр этишга кўмаклашамиз. Биз нашр қилган китоблар Қозоғистоннинг кўплаб кутубхоналарида, университетларнинг кутубхоналарида ҳам мавжуд.

– Мустақиллик тенгдоши – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг мухлисларига тилакларингиз.

– Ўттиз йилдан зиёд давр мобайнида узлуксиз чоп этилаётган “Жанубий Қозоғистон” газетаси туркистонликларнинг тарихини ўзида мужассам этган ягона нашр эканидан хабардорман. Навқирон ижодий жамоанинг фаолияти юксак баҳога лойиқ. Туркий эъларни бирлаштиришга ҳисса қўшаётган нашр жамоаси ва газетанинг барча муштарийларига ижодий муваффақиятлар тилаб қоламан. Ижодқорларимизнинг қаламлари ўткир бўлсин, улар узоқ йиллар маънавиятни юксалтиришга хизмат қилаверсин.

– Аҳмед-бей, очиқ фикр-мулоҳазаларингиз учун ташаккур. Ишларингизга мувофақиятлар тилаймиз.

Авазхон АБДУФАТТОҲ.

БАРЧА ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ФИДОЙИ ОЛИМДАН АЙРИЛДИ



1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши йўлида улкан хизмат кўрсатган тилшунос олим Бахтиёр Исобек (Ўрдабекли) 80 ёшида оламдан ўтди.

Бахтиёр Исобек 1945 йилда Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилояти, Султонработ қишлоғида туғилган. 1961-1966 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг (ҳозирги педагогика университети) тарих-филология факультетини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1966 йили Ўзбекистон Фанлар академиясида лаборант сифатида бошлаган. 1968-1993 йилларда собиқ ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)да ўқитувчи ва доцент лавозимларида фаолият юритган. 1980 йилларнинг охирида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишини талаб қилиб чиққан зиёлилардан бири бўлган ва бу ҳаракатларда унинг талабалари ҳам фаол иштирок этган.

1993 йилда демократик қарашлари сабабли ишдан четлатилган Исобек нафақага чиққунга қадар ишсиз қолган. У ўз хотираларида тил масаласи билан боғлиқ ҳаракатларда “Бутун калтақ ўз бошимда синди”, деб ёзган.

“Ўзбек тилининг давлат тили бўлиши учун мен каби кўп одам азоб тортган, аммо бутун калтақ менда синган. Кейин эса ўзбек тилига давлат тили мақоми бе-

рилишида ташаббус кўрсатганлар кўпайиб кетди. Майли, яхши ишнинг соҳиблари кўп бўлади. Миллатнинг биринчи белгиси – тил. Агар тилнинг ўлмаслиги учун ҳаракат қилган одамни кўрсангиз, билингки, у миллатнинг ўлмаслиги учун ҳам ҳаракат қилган инсондир”, деган эди у.

Бахтиёр Исобек университетда ишлаган даврда ҳам ижодий ва илмий фаолиятни тўхтатмаган. Унинг илк китоби 1984 йилда профессор Иристой Қўчқортоев билан ҳамкорликда ёзилган ва нашр этилган “Туркий филологияга кириш” қўлланмасидир. 1995 йилда “Сайрам” рисоласини, 2006 йилда эса Қозоғистондаги ўзбек мактабларининг 10-синфи учун “Ўзбек тили” дарслигини ёзган. Шунингдек, “Султонработ”, “Эрк йўлида”, “Туркшуносликка кириш”, “Қизқарли она тили”, “Ўғузнома”, “Ясавий ҳикматлари лугати” каби ўнлаб асарлар муаллифи, “Ясавий насабномаси ва Амир Темур” китобига сўзбоши ёзган.

Атоқли муаррих ва шарқшунос олим, Туркистон ва Марказий Осиё тарихи соҳасида улкан тадқиқотлар соҳиби бўлмиш Боймирза Ҳайитнинг “Туркистон Россия ва Хитой оралиғида”, Фуод Кўпрулуни “Турк адабиётида илк мутасаввифлар”, Лев Гумилёвнинг “Қадимги турклар” асарларини ҳамда қозоқ ёзувчиси Ўлжас Сулейменовнинг “Аз и Я” китобини ўзбек тилига таржима қилган.

Олимнинг шу кунга қадар бешта илмий асари ва 200дан зиёд мақолалари чоп этилган. У Маҳмуд Қошғарий номидаги халқаро мукофот соҳибидир. Устоз вилоятимиздаги “Ижодкор” адабий бирлашмаси таъсис этган Юсуф Сарёвий номидаги халқаро мукофот соҳиби ҳам бўлган.

Ўзбек халқи ва олимнинг барча яқинларига чин дилдан таъзия изҳор этамиз.

Абдурахим ПРАТОВ.
Отабой РАҲИМҒОЗИЕВ.
Олимжон ТҮЛАБОВЕВ.
Улугбек СУЛТОН.
Мурод АБУБАКИР.
Авазхон АБДУФАТТОҲ.

КЎЧМАНЧИЛАР ЎЙИНЛАРИ – МЕРОС ВА ҒУРУР ТИМСОЛИ



тарихий қадриятларини сақлаш имконияти ҳамдир. Мутахассисларнинг айтишича, “Номадлар” мусобақаси ЮНЕСКО рўйхатиغا киритилишининг

сабаби, дунё халқларида кўчманчилик этносспорт анъаналарига қизиқиш уйғотганидир.

Тўлебий туманида ўтказилган “Кўч-

манчилар ўйини” “Ёшлар имконият маркази” ташаббуси билан бешинчи мартаба ўтказилди ва миллий анъаналар руҳида ўтди.

1 Мамир қишлоғидаги спорт клубида ўтган мусобақада вилоятнинг турли ҳудудларидан келган 10та жамоа иштирок этди.

“Кўчманчилар ўйини”да қозоқ миллий ўйинларининг от устида камондан ўқ отиш, танга олиш, ҳўкиз кўтариш, ағдаришмоқ, тўғизқумалоқ, қозоқ кураши, арқон тортиш каби 7 турига устувор аҳамият қаратилди. Умумий ҳисобда 150 нафар ёш йигит-қиз миллий спорт турларида ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Беллашув натижаларига кўра: Қазигўрт тумани жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, 500 минг тенге пул мукофоти билан тақдирланди. Тўлебий тумани жамоаси иккинчи ўринни эгаллади (300 минг тенге). Арис шахри жамоаси учинчи ўринга муносиб деб топилди (200 минг тенге).

Шунингдек, “Энг яхши либос” номинациясида Келес тумани, “Энг фаол жамоа” сифатида Байдибек тумани, “Энг яхши чавандоз” номинациясида Саригоч тумани ғолиб бўлди. Барча иштирокчиларга совғалар ва дипломлар топширилди.

Тадбир яқунларида туман ҳокими ўринбосари Бағдатбек Жанғазиев ва туман маслаҳати раиси Нурлан Қўйбағаров иштирокчиларни табриклаб, ушбу ўйинларнинг ёшлар онигида миллий ғурур ва ватанпарварликни мустаҳкамлашдаги аҳамиятини таъкидладилар.

– Бутун дунёда, жумладан, туркий мамлакатларда кўчманчилар спортини оммалаштириш лойиҳаси шакллантирилди ва изчил давом эттирилмоқда. 2024 йилда Астана шаҳрида V Жаҳон кўчманчилар ўйинлари ўтди. Минтақавий миқёсдаги бундай мусобақаларни келажакдаги халқаро мусобақаларга тайёргарлик майдони сифатида қабул қилиш керак. Бу танлов орқали халқимизнинг тарихи, урф-одатлари, Буюк Дашт анъаналарини тарғиб қилишимиз мумкин. Биз бу ташаббуснинг ҳаётийлигини таъминлаб, уни ҳар йили такомиллаштирамиз. Бугун табиат қўйида, Тўлебий диёрида ҳақиқий кўчманчиларнинг ўйини, санъати намоён этилмоқда. Кўчманчилар ўйинлари туманининг тимсолига айланмоқда. Вилоят тадбирларини республика босқичига қадар давом эттиришда туман аҳли ҳам фаол иштирок этмоқда. Миллий спорт байрами муборак бўлсин, – деди Нурлан Хамзаули.

Тадбир ниҳоясида «Кўчманчилар ўйинлари»нинг барча иштирокчилари «Кўчманчилар дастурхони»га таклиф этилди.

А. АБДУФАТТОҲ.



